

## **БОЛАЛАРНИНГ ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИДА ЭКРАН САНЪАТИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

*Севара Бекмурадова*

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, "Кино, телевидение ва радио режиссёrligi" кафедраси таянч докторанти (Phd)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада бугунги кунда долзарб муаммо ҳисобланган, экран маҳсулотларининг сифати, мазмуни, унда кўтарилиган гоялар ва ушбу компонентларнинг ёши томошибинларнинг шахс сифатида шаклланишида кўрсатадиган таъсири ҳақида сўз боради. .

**Калит сўзлар:** видео маҳсулот, болалар киноси, адабий асар, сифат, услугуб.

Кино замонавий инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётган бир даврда, унинг таъсири остида инсоннинг дунёқарashi, қадриятлари ва диidi шаклланиб боради. Айниқса, ёш томошибинлар аудиторияси ҳақида сўз кетганда, бу масала муҳим аҳамият касб этади. Чунки болалар дунё, атроф-муҳит ҳақида умумий тушунчалар, маданият, муносабатлар, ўзлари тақлид қиласидаги қаҳрамонлари ҳақидаги барча билимларини кузатаётган экран маҳсулотларидан оладилар.

Кино аудиторияга маънавий-ахлоқий, эстетик гоявий таъсир кўрсатиш ва ватанпарварлик тарбиясини сингдиришда муҳим воситалардан биридир. Болаларни ҳар томонлама етук шахс сифатида тарбиялаш жараёнида кинонинг муҳим ўрни, унинг, шахсга таъсирининг ижтимоий-психологик имкониятлари билан боғлиқ. Фильмларни томоша қилиш ва муҳокама қилиш - бу маънавий хордиқ чиқариш билан бир қаторда инсоннинг ўз-ўзини тарбиялаш усулидир.

Юқори сифатли ва “ақлли” кино болага энг юксак умуминсоний қадриятларни этказишининг ажойиб усулидир.

Хар бир инсон ўз ҳаётининг ўша олтин даври ҳақида қўп хотираларга эга бўлади. Ушбу хотираларнинг ёқимли таассуротлари ўша даврларда кўрилган яхши фильмлар ва ўқилган сехрли эртакларга бўлган муҳаббат билан боғлиқ. Болалиқдаги ҳар бир фильм ва эртаклар ҳар биримиз учун ўрнак бўлган. Қахрамонлар ўзларининг меҳр-муҳаббат, садоқат, топқирлик, адолат каби инсоний фазилатлари билан ажралиб турган.

Болалар фильмларида ҳар доим ўзига ҳослик, сехр, бироз соддалик, ёрқинлик акс этади, яхшилик ва адолат доимо ғалаба қозонади, дўст ҳамиша ёрдам қўлини чўзади. Булар сизни сезгир, меҳнатсевар бўлишга, дўстларингизга ва ватанингизга садоқатли бўлишга ўргатади. Фильмда қахрамонлар маълум бир хатоларга йўл қўяди, бундай ҳаётий вазиятларда қахрамонлар ўз ақл ва идроклари билан вазиятни ўзгартиришади, бу билан ёш томошибинларга келажакда турли хил ҳаётий вазиятларда қандай қилиб тўғри ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида йўл кўрсатади. Болалар фильмларида уларга чуқур ўйлаш учун мавзуу таклиф қилинади ва жиддий муаммолар кўтарилади. Инсоннинг иллатлари оқланмайди, балки қораланади, бола ташқаридан у ёки бу салбий сифат қандай кўринишини кўра олиш имкониятига эга бўлади.

Замонавий дунёда видео маҳсулотлар ишлаш санъатнинг энг қулай ва машҳур турларидан бирига айланди. Эҳтимол, замонавий одамларнинг энг қўп вақтини томошага бағишлиётганликлари сабаб кинонинг таъсир кучи борган сари ортмоқда. Бутун дунёда ижтимоий тармоқлар бераётган чегарасиз ва ўта тезлик билан тарқалиш имконияти видео маҳсулотларнинг мазмуни, сифати, унда кўтарилаётган ғояларни филтрлаш имконини борган сари пасайтиromoқда. Замонавий видео маҳсулотлар, хусусан, баъзи бир фильмларнинг сюжетларида кўпинча салбий компонентлар: уруш, жазавага тушиш, ўлим, қотиллик, баҳс, шунингдек, нутқ маданиятининг паст даражаси кузатилмоқда. Шундан келиб чиқиб, бундай видео

маҳсулотларнинг томошабинлар, хусусан, болаларга кўрсатадиган таъсири мухим масала ҳисобланади. Бир қарашда заарсиз бўлиб кўринган персонажлар ортида нималар ётганлигини ва бу фильмлар болаларнинг нозик ва сезгир дунёсига қандай тажовузкорлик, номаъкуллик ва худбинлик олиб келиши мумкинлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозим.

Замонавий фильмлар болани супер қаҳрамонга айлантиришга мажбур қиласди – ўзи ёлғиз ҳамма вазифани уддалай оладиган одам. Болалар бундай фильмларни томоша қилганда, улар ушбу фильмларнинг ижобий қаҳрамонларига тақлид қилишга ҳаракат қилишади: қаҳрамоннинг тилидан чиқадиган иборалар, унинг ҳатти-ҳаракатлари, имо-ишоралар ва ҳакозолар. Агар фильмда салбий белгилар ҳамдардлик билан кўрсатилган бўлса, у ҳолда бола бундай қаҳрамонларга тақлид қилишга ҳаракат қилиши мумкин. Шунингдек, гуноҳкор ҳатти-ҳаракатларнинг танқидсиз ва ҳатто ижобий кўриниши ёш томошабинда уларни қилиш истагини уйғотиши мумкин, чунки, унинг севимли қаҳрамонлари буни қиласди ва бу яхши, мақтовга лойик кўринади. Шунингдек, улар фильмлардан қадриятлар ва ғояларни ўрганадилар.

Болалар кўпинча экран воқелигини ҳақиқат ёки улар интилиши керак бўлган идеал сифатида қабул қиласди. Кўпгина замонавий фильмлар ахлоқий меъёрларнинг мавжудлиги ёки ўзгармаслигини инкор этади. Баъзида бутун фильмнинг ғояси қаҳрамоннинг ахлоқсиз ҳаракатини оқлаш бўлиши ҳам мумкин.

Кинода зўравонликни кўрсатиш узоқ вақтдан бери томошабинларни жалб қилиш ва кўнгил очиш воситаси бўлиб келган. “Ижобий” қаҳрамонлар ўз ҳаракатларининг адолатига шубҳа қилмасдан, рақибларини шавқатсизларча ўлдирадилар. Кўпинча бундай фильмларнинг замирида ўлдирилган қариндошлар ёки дўстлар учун қасос олиш, ўлдириш жиноят эмас деган фикр ётади.

Бугунги кунда, хар қачонгидан ҳам, умуминсоний ва миллий ғоялар сингдирилган болалар фильмларини қайта тиклаш мавзуси жуда долзарб. Болаларга ватанпарварлик, мўжизаларга ишониш, дўстлик қадри, одамлар билан

муносабатда ўзаро хурмат ва илиқлик каби мұхым түшунчаларни фильмлар орқали әслатиб туриш керак. Ушбу фильмлар содда ва тушунарли бўлиши керак. Болалар фильм қаҳрамонлар мисолида, яхши инсоний фазилатлар руҳида тарбияланадилар. Болалар ўзлари томоша қилган фильмлар ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашишни яхши кўрадилар, лекин, уларнинг кўпчилиги ўз ҳисиётлари туфайли фильмнинг асосий мазмунини англашга ва уни атрофдагиларга етказиб беришга қийналадилар. Шу сабабли, болалар учун, аввало, тўғри фильм танлаш, ўша фильмни улар билан бирга томоша қилиш ва ундан сўнг фильм мазмуни ҳақида болалар билан сухбатлашиш бу борада яхши натижа беради. Яхши фильм кўриш ва у ҳақида сухбатлашиш орқали болаларда атрофда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан шахсий муносабат юзага келади, улар ўз фикрларини ҳаракатларида ифода этишни ўрганадилар.

Кино терапияси болалар учун оддий ва самарали усул. Болалар учун ишланган фильмлар жуда таъсирли бўлиб, ёш томошабинлар ўзлари гувоҳи бўлган воқеалар ҳақида узоқ баҳслашишади, мұхокама қилишади ва ҳис-туйғуларини биргаликда баҳам кўришади. Улар ўзларини ва атрофдаги яқинларини баҳтли қиласиган эзгу ҳис-туйғулар ва фазилатларни англай бошлашади.

Албатта, ҳар биримиз ота-она сифатида бу ҳис-туйғуларнинг йўқолишини, фарзандларимизнинг видео маҳсулотлар оқимида оқаётган қўполлик, ёвузлик таъсирида тарбияланишини истамаймиз. Шунинг учун ҳам қўп вақтимизни маънавий-ахлоқий мазмундаги фильмларни томоша қилишга бағишлаймиз. Бу эса соҳа мутахассисларининг олдига катта ва ўта маъсулиятли вазифаларни қўяди.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. М.Мирзамуҳамедова. Ўзбекистонда болалар киноси. – Тошкент. 1976.
2. Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Тошкент: “Ўзбекистон Давлат нашриёти”, 1955.
3. Ўтаев Ў. Телевидение – давр кўзгуси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.